

НОЧОР ОИЛАЛАР ХОНАДОНЛАРИГА БАРАКА КИРДИ

«Карантин қоидаларининг кучайтирилиши аҳоли турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Айниқса, чекловлар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, бокувчисини йўқотган фуқаролар турмуш тарзида янада яққол намоён бўлди. Бу борада Фарғона туманида пандемия даврида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Туманидаги 889 та эҳтиёжманд муҳтоҷ оилаларни қўллаб-қувватлаш учун шакллантирилган “темир дафтарлар”га тушган оилаларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан моддий ёрдам пули ва озиқ-овқат маҳсулотлари Муборак Қурбон ҳайити арафасида тарқатилди. Туман Давлат Солик инспекцияси бошлиғи Дилшодбек Адҳамов раҳабарлик қилаётган 4 секторда ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Сектор худудидаги 14 МФЙларда жами 261 та оилалар бўлиб улардан 148 тасига моддий ёрдам ҳамда 121 та оила эҳтиёжманд оилалар рўйхатга олинган.

Куни кече юқоридаги оиласарга 500 минг сүм моддий ёрдам нақд пул шаклида ажратилди. Белгиланган миқдордаги маблағ ва 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сектор раҳбари ва бошқа масъуллар томонидан ҳар бир хонадонга етказиб берилди.-Бугунги кунда аҳолини ночор қатламини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз. Мазкур маблағлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақиқатан қийналган аҳоли вакилларига етиб бориши керак,- деди туман Солиқ инспекцияси бошлиғи Д. Адҳамов.Аслида байрамлар, турли саналарда шароити оғир оиласардан хабар олиб, ёрдам бериш халқимизга хос анъаналардан ҳисобланади. Лекин карантин давридаги бу галги йўқловдан ночор оиласар хонадонларига барака кирди.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-03 15:27:38